

**А.Умарова, ТМИ катта ўқитувчиси
Ш.Эргашев, ТМИ магистранти**

ХУДУДЛАР ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада худудлар инвестицион салоҳиятини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш шарт-шароитлари ва омиллари, бу борадаги вазифаларни амалга оширишни устувор йўналишлари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: инвестиция сиёсат, инвестицион лойиҳа, хорижий инвестиция, экспорт салоҳияти, ҳудудий иқтисодий сиёсат, ҳудудий инвестицион фаоллик.

В статье рассматриваются факторы и факторы, способствующие устойчивому экономическому росту за счет повышения инвестиционного потенциала регионов, и приоритеты для реализации задач в этой области.

Ключевые слова: инвестиционная политика, инвестиционный проект, иностранные инвестиции, экспортный потенциал, региональная экономическая политика, региональная инвестиционная деятельность.

The article examines the factors and factors that contribute to sustainable economic growth by raising the investment potential of the regions, and the priorities for the implementation of the tasks in this area.

Key words: investment policy, investment project, foreign investment, export potential, regional economic policy, regional investment activity.

Бугунги кунда юртимизда фаолият қўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чукур қайта ишлашга ҳамда энергия тежамкор ва юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Бозор иқтисодиёти ислоҳотларини чукурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир қўрсатади.


Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефтъ ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекомуникация тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон 2018 йилга келиб асосий капиталга 107333,0 млрд. сўм микдорида инвестиция киритди, улардан 60,7 фоизи ёки 65142,4 млрд. сўм маблағни жалб қилинган маблағлар, 39,3 фоизи ёки 42190,6 млрд. корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ташкил этди.

2019 йилги инвестиция дастури умумий қиймати 16,6 миллиард доллар бўлган 3000 дан ортиқ лойиҳаларни ўз ичига олади. Хусусан, унинг доирасида умумий қиймати \$ 3,2 млрд. бўлган 140 та ишлаб чиқариш обьекти қурилиши режалаштирилган.

2018 йилнинг январь-декабрида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни 66,7 %, Республиkanинг олтига ҳудудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 20,4 %, Кашқадарё вилоятида – 14,3 %, Навоий вилоятида – 9,4 %, Тошкент вилоятида – 8,7 %, Бухоро вилоятида – 7,3% ва Наманган вилоятида – 6,6% ўзлаштирилди.

Қатор худудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Навоий вилоятида ўтган йилга нисбатан 184,6 % (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 10059,1 млрд. сўм), Наманган вилоятида – 171,2 % (7131,0 млрд. сўм), Қорақалпағистон Республикасида – 162,2 % (6046,4 млрд. сўм), Жиззах вилоятида – 155,9 % (3169,2 млрд. сўм), Сурхандарё вилоятида – 149,5 % (6111,0 млрд. сўм), Фарғона вилоятида – 146,6 % (4978,4 млрд. сўм), Тошкент вилоятида – 123,7 % (9351,4 млрд. сўм), Хоразм вилоятида – 122,8 % (2980,0 млрд. сўм), ва Тошкент шаҳрида – 114,7 % (21861,5 млрд. сўм)[3].



1-расм. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар[3]

2018 йилнинг январь-декабрида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори қўрсаткичлар Навоий вилоятида – 10411,0 минг сўм (ёки 2017 йилга нисбатан 181,5%), мос равишда Тошкент шаҳрида – 8787,5 минг сўм (112,7 %), Қашқадарё вилоятида – 4816,6 минг сўм (ёки 104,9 %), Бухоро вилоятида – 4162,9 минг сўм (ёки 49,7%), Қорақалпагистон Республикасида – 3257,7 минг сўм (159,9 %), Тошкент вилоятида – 3247,1 минг сўм (122,3 %) ва Наманган вилоятида – 2615,8 минг сўм (168,0 %) қайд этилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса Инвестициялар умумий ҳажмининг 25фоизини ташкил этади. Ўзбекистон умумий ҳажми 4,2 млрд АҚШ долларига тенг хорижий инвестицияларни ўзлаштири режалаштирган, уларнинг ярми минтақаларга йўналтирилади. Агар илгари минтақаларнинг улуши 36-37 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу қўрсаткич 50 фоизга ошади. Вилоятларда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ривожланиши икки баробар кўпаяди. Агар 2-3 йил аввал биз ҳудудларга 700-800 миллион доллар жалб қилинган бўлса, 2019 йил охирига қадар минтақаларга деярли 2 миллиард доллар йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлиги таъкиблаб ўтилди. Булар жумласига қўйидагиларни киритишим мумкин:

- инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқлиги;
- инвестициялаш соҳасида аниқ ишлайдиган тизим мавжуд эмаслиги натижасида хорижий инвестициялар билан келишувларни амалга ошириш жуда сусткашлик билан бориши;
- амалдаги инвестиция дастурларида аниқ бир лойиҳага оид маълумотлар йўқлиги;
- истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда[1].

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да яқин истиқболда “инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш” вазифалар амалга ошириш белгилаб олинган[2].

Бугунги қунда, иқтисодиётни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш юзасидан кенг кўламли ишлар, шунингдек саноатни модернизация қилиш ва замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ

дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

Бу борада мавжуд муаммолар мамлакатдаги иқтисодий вазиятни яхшилаш ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида қонунчиликни либераллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Фиркrimizcha, истиқболда худудлар инвестицион салоҳиятини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари:

- худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

- янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

- саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

- саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш обьектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида худудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Юқоридаги йўналишлар бўйича худудий иқтисодий сиёсатни изчил амалга ошириш истиқболда худудий инвестицион сиёсат стратегик йўналишларини белгилаб олишнинг фундаментал асосларини ташкил қиласди. Минтақалар иқтисодий тараққиётида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг аҳамияти бенихоя катта. Асосий капиталга киритиладиган инвестицияларни худудлар ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини қўйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар кўламининг ўсиши юқори технологик тараққиёт ва интенсив иқтисодий ўсишнинг омили сифатида ЯҲМни йиллик ўсиш суръатига ижобий таъсир этади.

иккинчидан, иқтисодиётни диверсификация қилиш, таркибий ислоҳотларни амалга ошириш пировардида импорт ўрнини босувчи ва экспорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкони яратилади;

учинчидан, мавжуд молиявий-инвестицион салоҳиятдан оқилона фойдаланиш асносида тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожланишига ва пировард натижада янги иш ўринларининг яратилиши орқали аҳолининг

турмуш фаровонлиги яхшиланади. Натижада аҳолининг пул даромадларини изчил ортиши ҳисобига иқтисодиётдаги ялпи талабнинг кенгайиши ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратади.

Маълумки, ҳудудларнинг тараққиётини таъминлаш ҳудудий инвестицион сиёсатнинг стратегик йўналиши сифатида белгилаб олинган бўлиб, уни самарали амалга ошириш ҳудудлар кесимида хорижий инвестициларни кенг жалб қилиш қўламига боғлиқдир.

Кейинги йилларда ҳудудлар инвестицион фаоллигини ошириш асосан ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш бўйича лойиҳаларни реализация қилишга қаратилмоқда. Бундай шароитда юқори технологияларга асосланган хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш сиёсатини янада жадаллаштириш устувор аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2019 йил 8 апрель куни жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш, биринчи ярим йилликка доир вазифаларни белгилаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маъruzаси

2. И.Фозилжонов. Инвестиция лойиҳалари таҳлилиниң иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш муаммолари ва устувор йўналишлари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, 25 апрель 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2019 йил, 33-бет

3. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти